

## Баракали ҳаёт кечиришнинг сабаблари



11:00 / 11.12.2021 3122

1. Тақволи бўлиш керак. Роббимиз Аъроф сурасининг 96- оятида: «**Агар қишлоқлар ахиллари иймон келтирганларида ва тақво қилганларида эди, Биз, албатта, уларга осмону ердан баракотларни очиб қўяр эдик**» деб, осмону ердан бериладиган бараканинг шарти қилиб иймон ва тақвони кўрсатган.

2. Қуръон аҳлидан бўлиш керак. Қуръон ҳақиқий баракадир, шифодир.

3. Дуо бараканинг энг буюк омилларидандир. Севимли пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам никоҳланганларга, таом улашганларга ва бошқа кўплаб хайирли иш қилган кишиларга барака тилаб дуо қилганлар. Бу бизга ўрнак бўлиши керак.

4. Саҳар вақтида барака бордир.

Сохр Ғомидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳим, умматимнинг тонгини баракали қилгин», деганлар.

*(Абу Довуд ривояти).*

5. Ейиш, ичиш ва муомилаларда суннатда кўрсатилган одобларга мувофиқ яшамоқлик. Чунки Суннатга мувофиқ ҳаёт кечириш, Аллоҳ ва Расулининг розилигига кўра яшаш бўлгани учун баракали ҳаёт бўлади.

6. Том маънода Аллоҳга таваккул қилган мусулмон бўлиш керак.

Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Агар сизлар Аллоҳга ҳақиқий таваккул қилганингизда, (эрталаб) оч кетиб, (кечқурун) тўқ қайтадиган қушдек ризқланган бўлур эдингиз», дедилар».

*(Термизий ривояти).*

7. Ҳар бир ишни истиҳора билан қилиш.

8. Садақа бериш.

9. Барча ҳаром ва шубҳали нарсалардан узоқлашиш.

10. Кўп-кўп шукр қилиш.

«Қасамки, агар шукр қилсангиз албатта, сизга зиёда қилурман», *(Иброҳим сураси, 7- оят).*

11. Фарз намозларни тарк қилмаслик.

«Аҳлингни намозга амр эт ва ўзинг унга сабр қил. Биз сендан ризқ сўрамасмиз. Биз сенга ризқ берамиз. Оқибат тақвоникидир», *(Тоҳа сураси, 132- оят).*

12. Давомли истиғфор айтиш.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким истиғфорни лозим тутса, Аллоҳ унга ҳар бир тангликдан нажот, ҳар бир ғамдан кушойиш насиб қилади ҳамда уни ўзи ўйламаган жойидан ризқлантиради», дедилар» *(Абу Довуд ривояти).*

13. Силаи-раҳмни унутмаслик. Силаи раҳм умрингиз ва ҳаётингизнинг баракаси таъминотидир.

14. Никоҳ бараканинг тамалидир.

«Ораларингиздаги никоҳсизларни ва қулу чўриларингиздан солиҳларини никоҳлаб қўйинг. Агар фақир бўлсалар, Аллоҳ уларни Ўз фазлидан бой қилур. Аллоҳ (фазли) кенг, ўта билгувчи зотдир» *(Нур сураси, 32- оят).*

15. Уй ва ишхонага киришда, транспортларга минишда ва хайирли бўлган ҳар бир ишни "бисмиллаҳ" билан бошлаш. Бисмиллаҳсиз бошланган ишнинг баракаси кесикдир.

16. Таомни кўпчилик бўлиб ейиш. Жамоатда ҳар доим барака бор.

17. Зам-зам суви баракалидир.

18. Саҳарлик қилиш баракалидир.

19. Рамазон ва бошқа муборак кунларда аҳли оилага саҳийлик қилиш бараканинг сабабидир.

20. Таом едириш, етимни боқиш, мушкули борга ёрдам бериш, мўминни хурсанд қилиш, ёмонлардан узоқ бўлиш.

21. Поклик-тозаликка риоя қилиш.

22. Кўп ухламаслик.

23. Савдо сотиқда ростгўй бўлиш.

Ҳаким ибн Ҳизом розияллоҳу анҳу айтади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар (сотувчи ва олувчи) рост сўзласалар ва (молнинг айбини) очик айтсалар, савдоларида уларга барака берилади. Агар яширсалар ва ёлғон сўзласалар, савдоларининг баракаси ўчирилади», дедилар» (Бухорий ва Муслим ривояти).

24. Мол-дунёга очкўзлик қилмаслик, залолатга ботмасдан мол-дунё тўплаш.

Урва ибн Зубайр ва Саъид ибн Мусайябдан ривоят қилинади:

«Ҳаким ибн Ҳизом розияллоҳу анҳу деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўраган эдим, бердилар. Яна сўраган эдим, яна бердилар. Сўнгра яна сўраган эдим, яна бердилар. Кейин: «Эй Ҳаким! Албатта, бу мол-дунё баррадир, тотлидир. Ким уни нафс тўқлиги билан олса, унга бунда барака берилади. Ким уни нафс очлиги билан олса, унга бунда барака берилмайди. Худди ебтўймасга ўхшайди. Юқори қўл қуйи қўлдан яхшидир», дедилар (Бухорий ва Муслим ривояти).

***Шайх Нуриддин Ҳилмий Йилдизнинг «Одоб ва амал» китобидан.***